



**БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН-  
ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Амонова Заифа Усмоновна

Навоий давлат педагогика институти Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси  
таълим йўналиши 2-босқич магистранти

**Аннотация:** Уибу мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини инновацион фАОлиятга тизимли, рефлексив-фАОлиятли ва индивидуал-ижодий ёндашув асосида тайёрлаш мазмун моҳияти ҳамда инновацион фАОлиятни амалга ошириш босқичлари ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** инновация, инновацион жараён, инновацион фАОлият, тасвирий санъат, тизимли ёндашув, рефлексив фАОлиятли ёндашув, индивидуал ижодий ёндашув, инновацион мухим.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ  
ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА К ИННОВАЦИОННОЙ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

Амонова Заифа Усмоновна

Навоийский государственный педагогический институт, 2 курс магистр  
изобразительного искусства и инженерной графики

**Аннотация:** В статье раскрыта сущность содержания подготовки будущих учителей изобразительного искусства на основе системного рефлексивно-деятельностного и индивидуально-творческого подхода к инновационной деятельности, а также этапы реализации инновационной деятельности.

**Ключевые слова:** инновация, инновационный процесс, инновационная деятельность, изобразительное искусство, системный подход, рефлексивно-деятельностный подход, индивидуальный творческий подход, инновационная среда.

**IMPROVING THE SYSTEM OF PREPARATION OF FUTURE FINE ART TEACHERS  
FOR INNOVATIVE PEDAGOGICAL ACTIVITY**

Amonova Zarifa Usmononva

Navoi State Pedagogical Institute, 2nd year Master of Fine Arts and Engineering  
Graphics

**Abstract:** This article describes the essence of the content of the training of future teachers of fine arts on the basis of a systematic, reflexive-activity and individual-creative approach to innovative activities, as well as the stages of implementation of innovative activities.

**Key words:** innovation, innovative process, innovative activity, fine arts, systemic approach, reflexive activity approach, individual creative approach, innovative environment.

**Кириш.** Жамиятимизда иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар келажакда мамлакатимизнинг интеллектуал имкониятларини белгилаб берувчи ва уни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланган таълим тизимига ҳам боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши, сифат даражасида ривожлантириш нафақат таълим



самарадорлигининг ошишига, шу соҳадаги тизим такомиллашувига ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, балки мазкур ижтимоий тизимнинг барча соҳаларини ўсишига ҳам сезиларли даражада таъсир этади. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш даражаси таълим олувчиларда келажакни режалаштириш қобилияти, келажак учун жавобгарлик ҳисси, ўзига ва ўз касбий қобилияtlарига ишончни шакллантиришга қодир бўлган янги таълим тизими – “Инновацион таълим”ни талаб қиласпти. Ҳозирда республикамида иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-техникавий салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни иқтисодиётгагина эмас, балки таълимнинг барча турларида ҳам самарали жорий этиши имкониятлари билан бевосита боғлиқ. Буларнинг барчаси мутахассисларнинг янгила типи – инновацион фикрлаш услугига эга бўлган рақобатбардош кадрлар пайдо бўлганини тасдиқлайди.

**Асосий қисм.** Инновация -(лотинча innovation-янгилик киритиши)[1-2] ёндашув ўюси таълим мазмуни ва натижаларининг шахсга йўналганлиги, таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларини фан ва техниканинг сўнгти ютуқлари, илғор тажрибалар, замонавий методикалар билан уйғулаштиришга қаратилганлиги билан анъанавий таълимдан фарқ қиласди. Кенг маънода инновация сўзи мавжуд билимлардан фойдаланишнинг янги усулини билдиради.

Инновацион жараён - янгликни киритилиши ва шарт-шароитлари, тизимини янги шароитларга қўрсаткичларга муваффақиятли ўтишни таъминловчи ўзгаришлар. Инновацион ўзгаришларга тайёргарлик қўриш ва уни амалиётта киритиш жараёни.

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан аънанавий меъёрларнинг мос келмаслиги. Амалиётнинг янгилаётган меъёрларни мавжуд меъёрлар билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муоммаларни ечишига қаратилган фаолият.(В.И.Слоботчиков)[3-4].

Демак, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда тасвирий санъатдаги мавжуд қонун-қоидалар асосида инновацион-фаолиятта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ниҳоятда муҳимдир.

Педагогнинг инновацион фаолияти - ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.[5] Демак, ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўз фанига оид янгиликлар, охирги қабул қилинган ўқув меъёрий ҳужжатлар билан мунтазам танишиб бориши ҳамда иш ҳужжатларини шулар асосида юритиши келажақда таълим муасасасидаги инновацион фаолиятига бериладиган баҳо мезонларидан бири ҳисобланади. Амалиётда инновацион педагогик жараёнларнинг ҳарактери қўйицагилар билан белгиланади: - олинган натижалар мазмуни; - татбиқ этилаётган таклифларнинг янгилик даражаси; - амалиётчиларнинг инновацион педагогик фаолиятта тайёрлиги.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятта тайёрлаш тизими, рефлексив-фаолиятли ва индивидуал-ижодий ёндашув асосида олиб борилади. Тизими ёндашув нуқтаи назаридан педагогик таълимнинг барча бўлимлари инновацион педагогик фаолиятнинг барча компонентларини максимал рағбатлантириши лозим. Рефлексив-фаолиятли ёндашувни амалга оширишда бўлажак



тасвирий санъат ўқитувчисининг ўз фаолиятига нисбатан фаол тадқиқотчилик позициясига ўтиш қобилиятини ривожлантириш назарда тутилади. Индивидуал-ижодий ёндашув бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг ижодий индивидуалликни аниқлаш ва шакллантириш ҳамда инновацион педагогик жараёнларни англашни таъминлайдиган шахсий босқичга чиқаради.

Бугунги кунда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий омилларидан бири ўқитувчилар педагогик фаолиятининг индивидуаллитини ривожлантириш ҳисобланади, яъни янгиликларни ўзлаштириш индивидуал шахсий босқичда амалга оширилади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимининг такомиллаштириш қўйидаги босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ саналади;

-ўқитувчининг ижодий индивидуаллитини ривожлантириш босқичи-бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларда ижодий педагогик вазифаларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек тасвирий санъатга доир ижодий изланувчанлитини ривожлантириш, соҳага доир эгалланган билим ва кўникумаларни таълим жараёнига ижодий олиб ўтиш, таълим жараёнида юзага келган вазиятларни муқобил ечим усулларини қўллай олиш, креатив фикрлашни ривожлантиришни назарда тутиш.

- илмий билиш, педагогик тадқиқот босқичи - бу босқичда инновацион педагогикага кириш методологияси асосларининг эгалланиши, уларни инновацион педагогика вужудга келишининг ижтимоий ва илмий замини, шарт-шароитлари, унинг асосий тушунчалари билан таништириш тушунилади.

- инновацион педагогик фаолият технологиясини ўзлаштириш босқичи, бу босқич тасвирий санъат соҳасига оид муаллифлик дастурларини яратишда иштирок этишни ташкил этиш, муаллифлик дастурларини мустақил тузиш методикасини ўзлаштириш, янгиликларнинг кейинчалик ривожланиши ҳамда янгиликларни таълим амалиётита татбиқ этишда кузатилаётган қийинчилликларни таҳлил этиш ва прогнозлаштиришни шакллантиришни назарда тутади.

- инновацияларни амалиётта жорий этиш босқичи, бу босқич тажриба майдончасида ўқитувчининг тасвирий санъат соҳасидаги янги амалий ишини ташкил этиш, тузатиш ишларини олиб бориш ҳамда тажриба натижаларини кузатишни ўз ичига олади. Мазкур босқичда ўқитувчида касбий фаолиятини ўзи таҳлил этиш малакаси ошади, янгиликларга нисбатан қарашлари, йўналишлари, муносабатлари ўзгаради, инновацион нуқтаи назари такомиллашади.

Педагогик жамоада қулай инновацион муҳитнинг мавжудлиги, яъни таълим муассасалари таълим жараёнига инновацияларни киритишни таъминлайдиган ташкилий, методик ва психологик характерга эга бўлган комплекс чора-тадбирларни ўзида мужассам этган белгиланган маънавий психологик муҳитнинг мавжудлиги ўқитувчининг янгиликларга “қаршилик қилиш” коэффицентини камайтиради, касбий фаолиятда пайдо бўлган стереотипларни енгib ўтишга ёрдам беради.

Инновацион муҳит- Бу педагогик жамода, умуман таълим муассасида шундай ижодий, самимий дўстона шароит туғдириладики, унда ўқитувчи ўзини эркин хис қиласи. Жамода ички интилиш моддий-маънавий қизиқиш юкори даражада бўлади. У муҳитда ўқитувчи ижодий фикр юритиш, интилишга тайёр бўлади.



Шундай экан, ўқитувчи ўз олдига қўйган вазифаларни ва ўзи таълим-тарбия бераётган ўқувчилари ning шахс ва индивидуал сифатларини таркиб топтиришда ўз устида тинимсиз изланиши, инновацион технологиялардан ҳабардор бўлиши ва уни фаол қўллашни уddaлаши лозим. Ўқитувчи ўз фаолиятини инновацион ёндашув асосида ташкил қилар экан, бунда қўйидагиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ;

- ўз инновацион фаолияти жараёнида янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ҳал этишга қаратиши;

- тасвирий санъат орқали ўқувчининг шахс сифатларини таркиб топтиришга йўналтирилган янгиликларни қўллашга тайёргарлиги;

- тасвирий санъат орқали болани индивидуал ривожлантириш жараёнида новатор педагоглар томонидан таклиф этилган педагогик янгиликларни қабул қилиши, новаторлик даражасига максимал ҳаракат қилиш;

- инновацион фаолиятнинг ажralmas қисми ҳисобланган ижодий коммуникатив қобилиятларининг ривожланиши йўлларини излаб топиш.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини инновацион фаолиятта тайёрлашни такомиллаштиришда ўқитувчининг ижодий фаолияти қўйидагилар билан тавсифландаи:

-ижодий мотивация, махсус ижодий йўналиш, қизиқиш, юқори ҳиссий қўтарилишни талаб қилади;

-маълум бир мақсад ва ҳиссий-мажозий характердаги вазифаларни махсус ижодий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш нazarда тутади;

-визуал тасвиirlарга таяниши, мавзу ҳақида ғояларни шакллантиришни, тасвиirlанган нарсаларни таҳлил қилишни талаб қилади;

-ўқитувчи томонидан ишни бажариш техникасини намоён этишини, образ ҳақида ғояларни шакллантиришни талаб қилади;

-тўлақонли ижодий фаолият натижани ўзини ўзи баҳолашни назарда тутади.

**Хуноса.** Шундай қилиб, юқорида баён этилган фикрлар давлат талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини педагогларни инновацион педагогик фаолиятта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш сифат ва самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини ошириб боришга имкон яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М Танқидий таҳлил, қатиий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017
- 2.Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрг тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 3.А.Х. Қосимов, А. М Аҳмадалиев. "Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар" –ўқув қўлланма. Т.:2006 й.
- 4.В.А.Сластишин, Л.С.Кедымова, «Педагогика», «Инновационная деятельность», М. Магистр 1997 г.
- 5.В.И. Загвезинский «Инновационные процессы в образовании и педагоги - ческая наука», Тюмень 1990 г.